

Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифига доир



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг тақлифига биноан 2018 йил 15-17 май кунлари илк расмий ташриф билан АҚШда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигининг холати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Вашингтонда давлатимиз раҳбари, шунингдек, АҚШ Конгресси, Мудофаа вазирлиги ва Давлат департаменти ҳамда Жаҳон банкида икки томонлама учрашувлар ўтказади.

Расмий ташриф якунида икки мамлакат Президентлари "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёнотни имзолаши, турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламиининг қабул қилиниши кутилмоқда.

president.uz